



ХАШР




TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI —
O'ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил
1 январдан чиқа бошлаган,
e-mail: ashborotX1asr@yahoo.com,
web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 6 декабрь, пайшанба, 49 (473)-сон



**8 ДЕКАБРЬ —
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАН КҮН**

3 ҚУТЛУФ САНА



**БАНК ХУСУСИЙ
МУЛҚДОРЛАРГА
290 МЛРД. СЎМ
КРЕДИТ АЖРАТДИ**

6 ИСЛОХОТ



**РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ
ГРАН-ПРИНИ
МАҒЛУБИЯТСИЗ
ЯКУНЛАДИ**

8 СПОРТ

Парламентда



**МАТБУОТ — СИЁСИЙ-
ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТНИ
ЮКСАЛТИРИШДА
ЭНГ АСОСИЙ ВОСИТА**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда «Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва фуқаролик фаоллигини оширишда матбуотнинг роли ва аҳамияти» мавзусида давра суҳбати ўтказди

4 >>>

«Аёллар қаноти»

**СОҒЛОМ ТУРМУШ
ТАРЗИ ОИЛАДАН
БОШЛАНАДИ**

О'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг «Соғлом оила — мустақкам оила» лойиҳаси доирасида ўтказилган давра суҳбати оилада соғлом маънавий муҳит, интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва шу орқали жамиятда соғлом авлодни камол топтириш масалаларига бағишланди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар ва партия фаоллари иштирок этган тадбирда жамият тараққиёти, инсон саломатлигига акс таъсир этувчи зарарли иллатларнинг олдини олиш, жумладан, никоҳ ёшига етмаган қизлар, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ ва унинг салбий оқибатлари билан боғлиқ муаммолар атрофида муҳокама қилинди.

4 >>>

БУГУНГИ СОНДА

ФЕРМЕРЛИК

1990 йили Ўзбекистонга аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган галланинг 82 ФОИЗИ, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 ФОИЗДАН кўпроғи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 ФОИЗИ, картошканинг эса 50 ФОИЗИ четдан келтирилган бўлса, бугунга келиб ЎЗБЕКИСТОН ана шундай маҳсулотларни ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ ДАВЛАТГА АЙЛАНДИ.

5

Унда алоҳида таъкидланганидек, тараққиётнинг «Ўзбек модели» асосида жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, жумладан, аграр секторда босқичма-босқич амалга оширилаётган илмий тадбирлар жараёнида фермерлик ҳаракати давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватлангани туфайли улкан ютуқ ва амалий натижаларга эришилди. Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда халқ эҳтиёжини тўла таъминлаш баробарида четга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини йилдан-йилга ошириб бораётгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

4 >>>

МДХНИНГ АШХОБОД САММИТИ

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 5 ДЕКАБРЬ КУНИ ТУРКМАНИСТОН ПОЙТАХТИ АШХОБОД ШАҲРИДА БЎЛДИ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ (МДХ) ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Саммит бошланишидан аввал Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг суҳбати бўлиб ўтди. Ислон Каримов ва Турбангули Бердимухамедов дўстона муҳитда, ўзаро ишонч ва очиқлик руҳида ўтган суҳбатда Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларининг бутунги ҳолати ва истиқболларини, мамлакатларимизнинг МДХ доирасидаги ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилдилар.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда, хавфсизликни таъминлашда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган қатор ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш керакки, Ҳамдўстликнинг ташкил этилиши янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарихий шароитларда анъанавий гуманитар, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни сақлаб қолишдаги объектив зарурат билан изоҳланади.

Ўтган йиллар давомида МДХ ўзини сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамкорлик масалаларини халқаро-ҳуқуқий воситалар ёрдамида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича сиёсий платформа сифа-

тида керакли ташкилот эканлигини намойиш этди.

МДХ ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги шаклини яратиш, минтақавий ва минтақалараро ривожланиш масалаларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнади ва уйнамоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатлари йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳамда бутунги куннинг долзарб вазифаларини ҳал қилишда МДХнинг салоҳиятини мустақамлашга интилиб келмоқда.

Айни пайтда Ашхобод саммити иштирокчилари МДХ доирасидаги мавжуд кўп томонлама ҳамкорлик механизмларининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодиётини янада ривожлантиришга, халқлари фаровонлигини таъминлашга эришиш учун Ҳамдўстлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

2 >>>

Долзарб мавзу

Соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилиши кооперация муносабатларини ривожлантириш асосидир

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ «МАМЛАКАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗДИ



Унда алоҳида таъкидланганидек, тараққиётнинг «Ўзбек модели» асосида жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, жумладан, аграр секторда босқичма-босқич амалга оширилаётган илмий тадбирлар жараёнида фермерлик ҳаракати давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватлангани туфайли улкан ютуқ ва амалий натижаларга эришилди. Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда халқ эҳтиёжини тўла таъминлаш баробарида четга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини йилдан-йилга ошириб бораётгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

4 >>>

Олий Мажлис Сенатида



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛДИ

**УНДА ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ ТАКЛИФ
ЭТИЛГАН АЪЗОЛАРИ,
ВАЗИРЛИК ВА ИДОРЛАР
РАҲБАРЛАРИ, БОШҚА
ТАШКИЛОТЛАР, ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ
ВАКИЛЛАРИ ҲОЗИР БЎЛДИЛАР.
МАЖЛИСНИ ОЛИЙ МАЖЛИС
СЕНАТИНИНГ РАИСИ
И.СОБИРОВ ОЛИБ БОРДИ**

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Масалани кўриб чиқиш вақтида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги арафасида амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий кадрлар бўлган, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини қайд этдилар.

2 >>>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига қасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):
а) аёллар;
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тулмаган шахслар;
в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
г) чет давлат фуқаролари.

3.1 ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қилмаган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4.Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

2 >>>

РАСМИЙ

МДХНИНГ АШХОБОД САММИТИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Шундан келиб чиқиб, томонлар бундан кейин ҳам минтақавий ва минтақалараро муносабатлар тизимини шакллантиришда МДХ ролини мустақамлашга, уни ҳамкорликнинг замон талабларига жавоб берувчи ривожланган ва самарали механизм сифатида қарор топишида қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Маълумки, бугунги кунда иқтисодий омилларнинг халқаро муносабатларини ривожлантиришга тасирининг сезиларли даражада кучайиш тенденцияси кузатибмоқда. Шу боис ижтимоий-иқтисодий масалаларни комплекс ҳал қилишда МДХнинг иқтисодий ҳамкорлик соҳасида-

ги салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш биринчи навбатдаги вазифа экани таъкидланди. Халқаро транспорт-коммуникация йўлақларини яратиш, энергетика ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, экспорт имкониятларини юксалтириш ва сармоявий фаолиятни рағбатлантириш бу борадаги муносабатларни ривожлантиришдаги энг истиқболли йўналишлардир.

Маланий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустақамлаш — МДХни тўлақонли ривожлантиришнинг муҳим вазифаси эканлиги қайта эътиборга олинди.

Томонлар ҳамдўстлик фаолияти ва унинг шартномавий-ҳуқуқий асосини

халқаро жараёнларни бошқаришнинг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш бўйича ҳамкорликдаги ишларни давом эттириш мақсада мувофиқ эканлигини таъкидладилар. Ташкилотта аъзо давлатлар ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни бундан кейин ҳам ривожлантириш, дўстлик ва ҳамкорликни мустақамлашга қўмаклашиш зарурлигига қатъий ишонч билдирилди.

Саммит ахбороти бўйича МДХ Давлат раҳбарларининг Ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларацияси қабул қилинди. Шунингдек, МДХда 2013 йилни Экологик маданият ва атроф-муҳитни муҳофа-

за қилиш йили деб эълон қилиш тўғрисида, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича илгари эришилган келишувларнинг амалга оширилишининг бориши тўғрисида ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Давлат раҳбарларининг қарорига кўра, МДХ раислиги Беларусь Республикасига ўтди.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини 2013 йилнинг октябрь ойида Минск шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири
Тошкент-Ашхобод-Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тутатилсин.

7. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

- а) қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — учдан бир қисмига;
- б) қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартрилсин.

8. Таъбиқ этилмасин:

- а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ

тартибини мунтазам равишда бузатган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибиде озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазога алмаштирилган шахсларга;

- б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;
- в) ушбу Қарор 1-4, 6, 7-бандларининг амал қилиши — тақдирланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;
- г) ушбу Қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна

қасдан жиноят содир этган шахсларга.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмига ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очик-ошкоралик амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан қўча қирали ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И.Собиров
Тошкент шаҳри,
2012 йил 5 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Олий Мажлис Сенатининг Қарориде жазога ҳукм қилинган аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатларнинг фуқароларини жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) назарда тутилган. Шунинг билан бир қаторда Сенат Қарориде яна бир неча тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш назарда тутилган, шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг амал қилиши тасвир этилган шахслар доираси белгиланган.

Сенат ўзининг қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарорини қўллаш тартибини белгиланган бўлиб, унда амнистия бўйича жазодан озод қилиниши керак бўлган шахсларга доир ишлар ва материалларни суд томонидан кўриб чиқиш тартиб-таомил белгиланган. Шу билан бирга сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қўлланилиши, шунингдек, уни қўллаш тартиб-таомилларининг очик-ойдинлиги таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод қилинаётган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўйбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олинishi ва ишга жойлаштирилиши таъминлашга, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариёлар уйларида жойлаштиришга, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органлари назоратида тутириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини ишга солиш, нуфуз омилларини ҳамда иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иш билан бандликнинг самарали шакллари ривожлантиришга ҳар томонлама қўмаклашиш, фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс ва ўзаро

бир-бири билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқилган ҳамда таъкидланди.

Дастур Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини, меҳнат бозорининг жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Дастурнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ишга жойлаштириш, уларни касбга қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида фаол ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга доир тармоқ дастурларини ҳисобга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилган.

Дастурда 2013 йилда 972,7 мингта иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Бу иш ўринлари янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаларини ривожлантириш билан бундан ҳам рағбатлантириш, касаначилик меҳнатини кучайтириш ҳисобига ташкил этилади. Касаначилик соҳасида иш ўринларининг катта қисми миллий ҳўнармандчиликнинг аъёнаний марказлари — Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бўхоро вилоятларида ташкил этилади.

Дастурда олисда жойлашган, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегарага яқин 28 та ҳудудда иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. 2013 йилда бу ҳудудларда камиде 126 мингта ёки 2012 йилданган беш фойз кўп иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Дастурнинг яна бир устувор жиҳати фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган тоифаларини ишга жойлаштиришдан иборат. Ногиронлар ҳамда меҳнат бозориде қийинчиликка дуч келаётган бошқа шахслар учун камиде 100 мингта иш ўрни захира қилиш (квоталаш) белгиланган.

Дастурда таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга муҳим ўрин ажратилган. Бўш ва захира қилинган иш ўринлари ҳисобига касб-ҳўнар коллежларининг 500 мингдан зиёд битирувчисини ишга жойлашти-

риш мўлжалланган. Шу мақсадда «коллек — корхона» тизими бўйича касб-ҳўнар коллежларига иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги 90 мингдан зиёд корхона ва ташкилот бириктириб қўйилади, битирувчиларнинг иш қидиришга сарфлаётган вақтини қисқартириш учун эса барча йирик шаҳарлар ва туманларда камиде 900 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилади. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан касб-ҳўнар коллежлари ва олий ўқув юртимининг битирувчиларига ўз тадбиркорлик ишини ташкил этиши ҳамда йўлга қўйиши учун имтиёзли микрокредитлар ажратишнинг давом эттириш назарда тутилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредит билан салмоқли равишда қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 5,1 триллион сўм миқдориде кредитлар ажратилиш кўзда тутилмоқда. Бу кредит маблағлари, асосан, олис қишлоқ туманларида ва меҳнат бозориде вазиет кескин бўлган ҳудудларда иш ўринлари ташкил этилиши назарда тутилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Сенаторларнинг фикрича, кўриб чиқилган Дастур фуқароларнинг ишбилармонлик фаолигини бундан буюн ҳам рағбатлантириши, паррандачилик, баллиқчилик, асарчиликка, қишлоқ ҳўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта лойиҳа ҳамда сақлашга, иссиқхона ҳўжаларини ташкил этишга ихтиёсларига фермер ва деҳқон ҳўжалиқларини, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва кенгайтириши ҳамда бошқаларни назарда тутди.

Шундан сўнг сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида тайёрланган бир қатор қонунларни кўриб чиқилган ва маъқуллашди.

Шу жумладан, рўхсат бериш тизимининг ягона норматив-ҳуқуқий базасини яратиш, ваколатли давлат органларида рўхсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш шартлари ва тартибини бир-биркорлик тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рўхсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишдаги ортиқча бюрократик таъсирларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқарув ҳаракатларининг батамом очик-ойдинлигини таъминлаш мақсадида тайёрланган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рўхсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Хусусан, ушбу Қонуннинг асосий янгилликлари-

дан бири рўхсат бериш хусусиятига эга ҳўжатларнинг «бир дарча» орқали берилиши принципини жорий этишдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу принципга мувофиқ ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рўхсат бериш хусусиятига эга ҳўжатни бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан берилган рўхсат бериш хусусиятига эга ҳўжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда ҳўжатларни бериш соддалаштирилган тартибда амалга оширилади, бунда ваколатли орган ҳўжатларни тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда олади.


Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонунда рўхсат бериш тартиб-таомилларини ўтишининг асосий унсурларини белгилаб қўйиш тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини анча такомиллаштиришга, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўлай шартлар яратишга, шунингдек, рўхсат бериш тартиб-таомиллари билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишининг изчиллигини ва яқинлигини таъминлашга имкон беради.

Шундан кейин сенаторлар янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар тўғрисида»ги Қонунни кўриб чиқилди. Ушбу ҳўжат қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштириш, халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ молия-банк тизими фаолиятининг барқарорлигини ва самардорлигини таъминлашга, шунингдек, бу соҳада рақобатни ривожлантиришга ёрдам беради.

Сўнгра сенаторлар «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Муҳокама жараёнида қайд этилгандек, Қонуннинг асосий мақсади ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тезкор-қидирув фаолиятининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини, шунингдек, тезкор-қидирув хусусиятига эга бўлган тадбирларни амалга ошириш вақтида қонунийликка риоя этилиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминланишининг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишдан иборат.

Сенаторлар кўрсатиб ўтганларидек, ушбу Қонун тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солидиган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳўжатларда мустақамлаб қўйилган амалдаги нормаларни мунтазам ҳолга келтириш, суриштирув ва дастлабки тергов сифатини, ҳуқуқбузарликларнинг олдинчи олиш ҳамда уларга ўз вақтида чек қўйиш чораларининг самардорлигини ошириш имконини беради, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимининг янада демократлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини либераллаштиришга ёрдам беради.

«Сайлов эркинлиги янада таъ-



тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқилди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши хусусий банк ва молия институтига ҳўжатларни бериш тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини анча такомиллаштиришга, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўлай шартлар яратишга, шунингдек, рўхсат бериш тартиб-таомиллари билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишининг изчиллигини ва яқинлигини таъминлашга имкон беради.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳўжатларнинг сифатини, уларнинг лойиҳаларини тайёрлашда қатнашадиган органларнинг масъулиятини оширишга, утиш шартлари ва тартибини бир-биркорлик тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рўхсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишдаги ортиқча бюрократик таъсирларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқарув ҳаракатларининг батамом очик-ойдинлигини таъминлаш мақсадида тайёрланган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рўхсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Хусусан, ушбу Қонуннинг асосий янгилликлари-

минлиниши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Суд ҳўжатлари ва бошқа органлар ҳўжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмини молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турлош ҳуқуқлари тўғрисида»ги, «Микро-кредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокама давомида сенаторлар тактиф қилинаётган ўзгариш ва қўшимчалар тадбиркорлик ҳимоя қилинишининг ҳуқуқий кафолатларини, уларнинг фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан текширишларни янада яхшилашга, микромолиялаш бозори сифат жиҳатидан ривожланишини, солиқ солиш тизимини бирхиллаштириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳўжатлари либераллаштирилишини, йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминлаштирилишини таъминлашга қаратилган бир қатор янгилликлари назарда тутди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўзининг ялпи мажлисининг биринчи иш кўни тутди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

ҚУТЛУФ САНА

Конституция ва оила манфаатлари

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА КОНСТИТУЦИЯ БАРЧА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ

Бош қомусимизда ҳам фуқароларнинг жамиятда тутган ўрни, ҳуқуқ ва эркинликлари, давлатнинг фуқаролар олдидаги, фуқароларнинг эса давлат ва жамият олдидаги мажбуриятлари аниқ кўрсатиб қўйилган. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг миллати, irqи ва диний эътиқодидан қатъий назар, тенг ҳуқуқли эканлиги кафолатланган бўлиб, у кишиларнинг фаровон ҳаёт кечириши, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш учун қонуний асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Унда белгиланган қоидаларнинг ижтимоий жараёнларга ижобий ва самарали таъсир кўрсатиши жамиятнинг асосий бўлини бўлган оиладаги муносабатларнинг мустақамлашишига, фуқаролар ҳуқуқий онги юксалишига ҳам олиб келади, албатта.

Конституциямизнинг бошқа давлатлар конституциясида фарқли жиҳати — оилани мустақамлашни таъминлайдиган ҳуқуқий асос сифатида махсус «Оила» боби киритилганидир. Унда оила муносабатлари эр билан хотин, ота-она билан болалар ҳамда қариндошлар ўртасидаги, шунингдек, болалар тарбиясига оид йўналишлар ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб кўйилган. Мамлакатимизда оила муносабатларига оид қилинган барча ҳужжатлар, жумладан, Оила Кодекси ҳам айнан мана шу тамойил ва қоидалар негизда ишлаб чиқилган.

Конституциямизнинг 64-моддасида «ота-оналар ўз фарзандларини вояга ет-гунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбуриятлари», дея белгилаб қўйилган. Зеро, жамиятимизда ота-оналар билан болалар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва иззат юксак қадрланади.



Робaxon АБДУРАСУЛОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъзоси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Қон-қариндошлик ришталари, ота-оналик ва фарзандлик бурчига ҳурмат туйғуларини тарбиялашга алоҳида эътибор берилди. Амалдаги қонунларимиз ота-оналарга вояга етмаган болаларига нисбатан маълум бир ҳуқуқлар бериши баробарида мажбуриятлар ҳам юклайди. Бу ҳуқуқий муносабат вояга етмаган болалар тўғрисида уларнинг ота-оналари гамхўрлигининг бир шакли сифатида ҳам намойён бўлади.

Асосий қонунимизнинг 66-моддаси бошқа Конституцияларда акс этмаган шарқона инсонийликни

ўзида мужассам этгани, яъни ота-она ва болалар ўртасидаги яқинлик, гамхўрлик ҳамда меҳр-муҳаббатни мустақамлаш ғоясини ифодалаганини эса алоҳида таъкидлаш лозим: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбуриятлари». Зеро, бу ҳаёт, турмуш тарзимиз болалардан ўз ота-оналари ҳақида ҳар доим гамхўрлик қилишни талаб этади. Бу эса ҳар бир фарзанднинг ота-она олдидаги ҳам инсонийлик, ҳам конституциявий мажбуриятидир.

Таълим олиш ҳуқуқининг мустақам кафолати

«КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ» МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧЛИК ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНДИ

С. БАБАҚУЛОВ, юридик фанлари доктори, профессор

Ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётида таълим-тарбия низоида муҳим аҳамият касб этади. Конституциямизнинг 41-моддасида ҳам «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», дея белгилаб қўйилган.

Зеро, халқ ва миллат тақдирини белгилаб берувчи асосий омил бу — таълим-тарбиядир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир.

Бош қомусимизда ўз ифодасини топган ушбу тамойил Ўзбекистонда барча фуқаролар тенг равишда билим олиш ҳуқуқига эга эканлини назарда тутган, албатта. Билим олишда жинс, тили, ёши, irqи, миллий мансублиги, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ҳизмат тури, ижтимоий маънаси, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъий назар барча фуқаролар бир хил ҳуқуққа эга. Бу ҳуқуқни бирон-бир шаклда чеклаш тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради. Амалдаги қонунларда бошқа давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам билим олишлари мумкинлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон халқи кўпмиллатли эканлини инобатга олсак, давлатимизда бошқа миллат вакиллари ҳам ҳуқуқ ва эркинликлари, миллий қадрият ва урф-одатлари-



Бухоро шаҳридаги тарих фанига ихтисослашган 6-мактаб Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳиятини ёшларга ўргатиш борасида фаол иш олиб борилаётган таълим масканларидан.

727 нафар ўғил-қиз тарих ва ҳуқуқ фанларидан чуккур сабоқ олаётган мазкур мактабда «Ватанимиз тарихий меросини асраб авайлаш — бизнинг муқаддас бурчимиз!» шiori остида Конституциямизнинг 49-моддасига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Ташкил қилинган кўргазмада кўлаб иқтисодий ўқувчиларнинг Ватанимиз тарихи ва истиқлол даврида мамлакатимизда олиб борилаётган буюк бунёдкорлик ишлари акс эттирилган ижодий ишлари намойиш этилди. Энг сара ижодий ишлар экспонат сифатида мактабдаги тарих музейидан жой олд.

Шунингдек, Бош қомусимизнинг тарихий-ҳуқуқий асослари, миллий давлатчилигимиз тарихига оид мавзуларда бўлиб ўтган давра суҳбатларида ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиб, мазкур соҳадаги билимини яна бир бор мустақамладилар. Тадбир сўнида маҳоратли педагоглар бошчилигида ёш тарихчилар Бухоро шаҳрининг тарихий-меъморий обидаларига саёҳат қилди.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат

ни ҳурмат қилиш, уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрамиз.

Шу ўринда Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий ва бепул эканлини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни пайтда Ўзбекистонда мактаб таълими ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

Таълим соҳасида ислохотларнинг самарали кечирилиши таъминловчи бир қатор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий мала-

кали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва юқори маънавий мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, улар соҳада амалга оширилаётган ислохотлар изчиллигини таъминляпти.

Юртбошимиз ташаббуси билан таълим соҳасида бошқичма-бошқич амалга оширилаётган ис-

лохотларга 2012 йил 16-17 февралдаги «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг ташкил этилиши ва унинг якуний хулосасида бу соҳадаги ютуқларга юксак баҳо берилгани ҳам бежиз эмас.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг бошқа ҳуқуқлари қатори билим олиш ҳуқуқи ҳам кафолатланган.

Халқчил қомус

ЁХУД ЎЗБЕК КОНСТИТУЦИЯШУНОСЛИК МАКТАБИНИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИ ХУСУСИДА

Тўлқин ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси, **Баҳром АҲРОРОВ,** юридик фанлари доктори, профессор

Бош қомусимиз қабул қилингандан буён ўтган 20 йил ичида унда белгиланган устувор ғоялар жамиятимиз ҳаётида ўз амалий ифодасини топмоқда. Зеро, демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай давлат олдида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда Конституция ва қонунлар асосида яшаш тарзини шакллантиришдек улкан вазифа туради.

Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган улкан ўзгаришлар, хоҳ у иқтисодий, хоҳ у сиёсий йўналишда бўлсин, ягона мақсад — ҳар томонлама ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга, «Ўзбек модели»нинг изчиллиги ва барқарорлигини мустақамлашга қаратилгани билан ҳам диққатга сазовордир. Бу, бир томондан, Асосий қонунимиз бугунги ва эртанги ривожланиш йўлининг мустақам ҳуқуқий замини бўлиб хизмат қилаётганини кўрсатса, бошқа томондан, Конституциямизнинг тараққиёт билан узвийлиги, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари билан ҳамроҳлиги ҳамда унинг халқчил қомус эканидан далолат беради.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, ўтган 20 йил давомида миллий давлатчилик тарихи, жаҳон конституцияшунослик назарияси ва амалиётининг илгор демократик сиёсий-ҳуқуқий ғояларига эга «Ўзбек конституцияшунослик мактаби» яратилди, десак, муболага бўлмайди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақил демократик тараққиётнинг дастлабки йиллариданоқ инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш ва уни ҳимоя қилиш тизимини бошқичма-бошқич ислох этиш, либераллаштириш, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда миллий манфаатдан келиб чиққан ҳолда халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига бир қатор муҳим, таъбир жоиз бўлса, мустақил тараққиёт йўлимида мутлақо янги саҳифа очган ўзгариш ва қўшимчалар киритилганлиги эса Асосий қонунимизнинг замон талаблари билан ҳамроҳлиги ҳамда халқчил-

лигини яна бир бор намойён этиди, дейиш мумкин. Энг муҳими, мазкур Концепция Бош қомусимизнинг принциплари ва нормаларини бошқичма-бошқич амалга ошириш доирасида демократик ислохотларни изчил давом эттиришнинг чуқур ва пухта ўйланган стратегиясини белгилаб бергани билан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.



8 ДЕКАБРЬ — БОШ ҚОМУСИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципага асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-МОДДАСИ

Маълумки, ҳокимиятлар тақсимланиши принциплари ҳар бир давлатнинг демократик тараққиётида ҳал қилувчи тизим бўлиб, у авваламбор, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат органлари фаолияти юзасидан ўзаро назорат олиб бориш ва ҳамкорлигини таъминлаш механизминини амалга ошириш, пировардида, қонунийлик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашга хизмат қилади.

Айниқса, икки палатали парламент ташкил этилганидан кейинги даврда мамлакатимизда чинакам профессионал қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва мустақамлаш, унинг аъзоларининг роли ҳамда масъулиятини ошириш, давлат бошқаруви ва қонун ижодкорлигида сиёсий партияларнинг иштирокини жонлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанат сақлаш тизимининг янада самаралорлигини таъминлашга ҳуқуқий замин яратди.

Бошқача айтганда, парламент ислохотлари ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада мустақамлаш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда вазифаларининг ролини кучайтириш, умумда давлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш, энг асосийси эса қонун ижодкорлиги жараёнида сифатни яхшилаш имконини оширди. Хусусан, «Давлат бошқаруви ни янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилинган сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми ва таъсирини кенгайтирибгина қолмай, улар фаолиятида ўзига хос бурилиш ясади.

Натижада, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти янада жонланиб, фракциялараро мунозаралар кучаймоқда. Бу эса сиёсий партиялар нуфузининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу ўринда давлат бошқаруви тизимини ислох этиш ва модернизациялаш соҳасида Асосий қонунимизга киритилган ўзгаришлардан бири — бу ривожланган демократик давлатлар таърибасидан келиб чиқиб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида парламент назорати институти янада жонлан-тириш билан боғлиқ эканлини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кези келганда парламент назорати институти, бир томондан, қонунларни ишлаб чиқиш ва амалда жорий этишнинг ўзига хос мониторинги бўлса, бошқа томондан, парламент ҳар бир аъзосининг ажралмас, устувор фаолият йўналишларидан бири эканлини ҳам таъкидлаш лозим. Шунга кўра, парламент назорати институти қонунларнинг самаралорлигига таъсир қилувчи фактор ва шароитларни аниқлаш, бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда қонунлар ижросини таъминлашда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда давлат бошқарувини ислох этиш соҳасида амалга оширилган конституциявий ўзгариш ва қўшимчалар ўз мазмун ва моҳиятига кўра, бир қанча долзарб масалаларни қамраб олганини қайд этиш лозим:

Биринчидан, бу Асосий қонунимизда мустақамланган «халқ ҳокимиятчилиги» принципини рўбга чиқаришнинг ҳуқуқий механизмининг янада кенгайтириши.

Иккинчидан, ҳукумат раҳбари ва аъзоларининг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини кучайтириши. Энг муҳими эса жамиятимиз ижтимоий ҳаётида Конституция ва қонунлар устуворлигини, ошқораликни таъминлашга хизмат қилади.

Учинчидан, ушбу қоидаларнинг рўбга чиқарилиши бугун сиёсий тизимга, давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ҳамда мамлакатни демократик янгилаш жараёнига ҳам кучли таъсир ўтказди.

Зеро, ушбу вазифаларни амалга ошириш сиёсий партиялар ва жамоатчиликнинг марказий ҳукуматдан тортиб маҳаллий ҳокимият идораларигача — бутун ижро тизими фаолиятини назорат қилишга ҳуқуқий замин яратиши билан эътиборга сазовордир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ПАРЛАМЕНТДА

Соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилиши кооперация муносабатларини ривожлантириш асосидир



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Айни пайтда қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, тармоқни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, иқтисодиётимизнинг муҳим бўлинига айланган фермер ҳўжаликларини фаолиятини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳ ишлари натижасида аграр секторда таркибий сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22 октябрь куни имзоланган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса соҳада эришилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, аграр сектордаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда мамлакатда фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш борасидаги тарихий ҳужжат бўлди. Юрбошимизнинг фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқ-манфаатлари, самарали фаолияти, мулкий муносабатла-

ри ишончли ҳимояланишини таъминлашга қаратилган қонунчилик ва метёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича янги йўналишларни назарда тутувчи мазкур фармони «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар билан ҳамоҳанг эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Фармон билан тасдиқланган махсус Дастур фермер ҳўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва моливий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган метёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирларни ҳам назарда тутди, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Абдуҳалиқ Жабборов. — Айни пайтда фермер ҳўжаликларини фаолиятдаги долзарб масалалар ва уларни ҳал этиш йўллари Фермерлар кенгаши, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталаридан тортиб, барча бўғиндаги халқ депутатлари кенгашида доимий равишда муҳокама қилиб бориш тизими жорий этилмоқда.

Конференция иштирокчилари

ҳамда хорижий давлатларнинг аграр соҳада эришган ютуқларини қўллаш имконияти кенгайди.

Анжуманда, шунингдек, қишлоқларда консалтинг марказлари тармоғини, маҳсулот ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фермер ҳўжаликларини кооперациясининг турли шаклларини ташкил этиш ва кенгайтириш, кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг сонини янада ошириш борасидаги янги вазифалар соҳага оид қонунчиликни бугунги кун талабларига мослаштириш лозимлигини кўрсатётгани ҳам таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг «2012-2016 йилларда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори эса аграр соҳадаги ютуқларни мустаҳкамлаш ва уни янги

8 ДЕКАБРЬ — БОШ ҚОМУСИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-МОДДАСИ

нинг фикрича, фермер ҳўжаликларини кооперациясининг турли шакллари ташкил этилиши ва уларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилиши, ўз навбатида, мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва уни сотиш бўйича яхлит тизимни шакллантириш, таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ва сотувчи тармоқларнинг ривожланишига олиб келади. Бундан ташқари, табиий ва моддий ресурсларни тежовчи, иш унумдорлиги юқори бўлган замонавий техника ва технологияларни қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришига жалб этиш, янги иш ўринларини яратиш

босқичга кўтариши шубҳасиз. Мутасадди ташкилотлар, йирик фермер ҳўжаликларини раҳбарлари иштирок этган тадбирда қишлоқ ҳўжалиги кооперация муносабатларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ва кооперация ташкил этишининг хорижий тажрибаларига бағишланган маърузалар ҳам тингланди. Шунингдек, конференцияда олима, экспертлар ва Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган «Қишлоқ ҳўжалигида кооперация тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг концепцияси муҳокама қилинди.

Соғлом турмуш тарзи оиладан бошланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Наргиза КАХХОРОВА,
«XXI ASR»

Айтиш жоизки, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида партия «Аёллар қаноти» томонидан жорий йил давомида 2250 дан ортиқ давра суҳбати, учрашув ва семинар-тренинг ташкил этилган. Ана шу туркум тадбирларнинг 500 дан ортиги бевоқиф аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, мулоқотларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш қизларни белгиланган муддатидан олдин турмушга узатиш ҳолатларининг олдини олиш ва жойларда хотин-қизлар ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этишга катта эътибор қаратилади. Бу эса «Аёллар қаноти»нинг О'зЛиДеР Дастури ва Сайловдод платформасида белгиланган мақсад ҳамда вазифаларни тўлақонли амалга оширишга интила-

ётганидан далолатдир. О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамованинг таъкидлашича, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш, жойларда тарғибот-тунтуриш ишларини янада кучайтириш катта аҳамият касб этади. Зеро, аёлга ва ўсиб келаётган ёш авлодга эътибор — бу келажакка эътибор, демекдир. Соғлом фикрловчи, маънан ва jisмонан етук инсонларни камол топтириш ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгилангани ҳам бежиз эмас.

Аммо шундай натижаларга қарамай айрим масалалар, хусусан, баъзи оилаларда қизларни ўқитишдан ажратиб, эрта турмушга бериш ҳолатлари ҳам учраётгани, оқибатда оилавий ҳаётга, соғлом оналикка jisмонан ва руҳан тайёр бўлмаган, касб-хунарсиз уй бекалари пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Сир эмас, оиладаги маънавий соғлом муҳит кўп жиҳатдан аёл-

га, унинг иқтисоди ва маҳоратига боғлиқ. Зеро, соғлом оиладагина ҳар жиҳатдан етук, иқтисодори фарзандлар камол топади. Давра суҳбати давомида Тошкент давлат тиббиёт академиясининг кафедра муdiri, тиббиёт фанлари доктори, профессор Гули Шайхова саломатлигининг асосий омилларидан бири — тўғри овқатланишнинг инсон саломатлиги учун аҳамиятига тўхталаркан, ҳар бир оилада овқатланиш маданияти ва гигиенасига қатъий риоя қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, тўғри овқатланиш организмнинг соғлом ўсиши, метёриди ривожланиши, касалликларга қарши курашишда алоҳида аҳамиятга эди. Шу нуқтаи-назардан қараганда, хотин-қизларимиз кундалик таомнамаларини пухта ўйлаб тузишлари, уни фойдаланиш озуқалар билан бойитишлари зарурлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Давра суҳбатида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гўшт ишлаб чиқаришда кичик бизнес фаоллик кўрсатапти

Пойтахтимизда ташкил этилган «Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати — AgroFood-2012» халқаро кўргазмасида Ўзбекистонда гўшт маҳсулотларини бозори ҳажми йилга ўрта ҳисобда 10 фоиз миқдорда кенгайиб бораётгани, мустақил:

Йилларда республикада гўшт янги сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш деярли икки баробарга ошгани таъкидланган.

Мутхассисларнинг фикрича, 2012-2015 йилларда озиқ-овқат саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш назарда тутувчи дастура мувофиқ, 2015 йилда республикада гўшт ишлаб чиқариши 1,167 млн. тоннага етказиши, уни қайта ишлаш ҳажмининг 6,9 фоиздан 12,1 фоизга кўпайтириш режалаштирилган. Ўзбекистонда гўшт маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори вакиллари экани, бугунги кунда Германия, Австрия, Чехия, Польша, Беларусь ва Россиядан келтирилган замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган маҳаллий гўштни қайта ишлаш корхоналари томонидан 150 дан зиёд турдаги гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ҳам қайд этиш мумкин.



Матбуот — сиёсий-ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг асосий восита

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз муҳбиримиз

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан фуқаролар фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва уларнинг Ватан тақдирини келажак учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қанчалик тайёр эканлигига боғлиқдир. Ўз навбатида иқтисодий соҳада қўлга киритилаётган улкан ютуқлар фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилиб, ҳаётимизда рўй бераётган демократик ислоҳотлар ҳамда модернизация жараёнлари жамиятда сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг юксалишини таъминлаётгани ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Зеро, бугун сиёсий-ҳуқуқий маданият тушунчасининг аҳамияти кундалик ҳаётимизда тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Бу жараёнларда, табиийки, демократик тамойилларга таянган оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг сиёсий фаоллигини кучайтириш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этиш борасидаги ҳаракатлантирувчи куч сифатида майдонга чиқмоқда.

Истиқлол йиллари оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва жамиятдаги ролини кучайтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди, — деди қўмита раиси, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев. — Шу даврда мустақил босма ва электрон ОАВ шаклланди. Агар бугун республикада 1280 дан ортиқ босма ва электрон оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг қарийб 60 фоизини нодавлат телерадиоканаллар ва хусусий нашрлар ташкил этмоқда. Шунингдек,

фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда сиёсий партияларнинг нашрлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бунда эса оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, сўз эркинлигини амалда таъминлаш, одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин ифода этиши учун реал имкониятлар яратиш, бу йўлдаги тўсиқларга барҳам бериш, эскича қарашлардан воз кечиш масалаларини комплекс тарзда ўз ичига олган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган оммавий ахборот воситалари ўз фаолияти орқали аҳолида юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, давлат ва жамият қурилиши масалалари ҳамда қабул қилиниши назарда тутилган қонун лойиҳаларига ўз муносабатини билдириши билан ҳам жамоатчилик фикрини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Зиёлола Собирова. — Бундай саяё-ҳаракатлар жамиятда ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатишда муҳим роль ўйнайди.

Чунки жамиятда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар жараёни биринчи гада матбуотда акс этади. Шундай экан, фуқароларнинг ислоҳотлар жараёнида фаол иштирокчини таъминлаш, уларга нисбатан ўз муносабатини билдиришда оммавий ахборот воситалари минбар вазифасини ўтайди.

Давра суҳбатида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифалар, хусусан, сиёсий модернизация жараёнларида ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда

оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш жуда муҳим эканига ҳам эътибор қаратилди. Шу боис бугунги глобаллашув жараёнларида оммавий ахборот воситалари зиммасига киддий масъулият юклатилапти. Улар, биринчи навбатда, реал ҳаётни, мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни ҳолис акс эттириши, юзга келаётган муаммоларни дадил кўтариб чиқиши лозим.

Зеро, айнан матбуот орқали фуқаролар мамлакатда қандай қонун, қарор ва дастурлар қабул қилинаётгани, уларнинг қай йўсинда бажарилаётгани, масъул ва мансабдор шахслар эса ўз вазифаларини нечоғли адо этаётганини билиб олади.

Демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида эса бу бордаги ишларни янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Хусусан, аҳоли ва кенг жамоатчилик қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиши, давлат бошқарувида бевоқиф аҳолининг ҳолда фаолият юритишига боғлиқ экани давра суҳбатида алоҳида таъкидланди.

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан муурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини янада қисқарттириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш зарур.

Анжуманда, шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари зиммасидаги вазифалар, бу борда журналистларнинг ихтисослашуви ва масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, муҳокамалар якуни бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

ХАТОНИГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ЎРГАНАЙЛИК

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Соғлом авлоднинг тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги устувор вазифалар, эрта турмушга чиқишининг салбий оқибатлари» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган тадбирда барча минтақаларда туғини ёшидаги аёллар, болалар ва ўсим қизлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш мақсадида соғломлаштириш ҳафталиклари, шунингдек, турли хил касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш ҳамда даволашга қаратилган кўриклар ўтказилаётгани таъкидланди. Бундан ташқари, анжуманда эрта турмуш қуришининг салбий оқибатлари хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

— Эрта турмуш қуриш кўп ҳолларда фарзандсизликка, боланинг ой-қуни етмай, чала туғилишига, она организмда камқонлик ва бошқа касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, — деди соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худайоров. — Ўз навбатида, бундай ҳолатлар ёш оилаларимиз орасида нафақат тиббий, балки маънавий ва ижтимоий асоратларини келтириб чиқариши мумкинлиги ҳам ачинарли ҳолдир. Зеро, нисбатан эрта никоҳдан ўтган табиийки, ҳали турмуш қуришга тайёр бўлмаган ёш қизнинг кўп ҳолларда тазлим олиш имкони ҳам қамаяди. Мустақил шаклланган билим ва тафаккурга эга бўлмаган ёш келин-куёв эса бола тарбияси билан шуғулланишда қатор қийинчиликларга дуч келади. Тадбирда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида зарарли оdatларнинг тарқалишини олдини олиш мақсадида мамлакатимизда Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла» хайрия фонди, «Ўзбекистон маданияти ва санъати» жамғармаси ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорликда соғлом турмуш ва соғлом оила тамойилларини тарғиб этувчи кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани тилга олинди.

ЖАРАЁН

Фермерлик

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИНИНГ ТАЪКИДЛАШЛАРИЧА, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОНДА ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Миродил
АБДУРАҲМОНОВ,
«XXI ASR»

Маълумки, дунё аҳолиси шиддат билан кўпайиб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётган бир шароитда аграр секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барча давлатлар учун бирдек долзарб масалага айланди.

Гарчи Ўзбекистонда истиқлол йиллари мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилган, соҳани изчил қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун мустақкам ҳуқуқий база яратилган бўлса-да, Президентимизнинг навбатдаги фармони ислохотларнинг янги босқичида қишлоқ мулкдорлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ниҳоятда муҳим ҳужжат сифатида жамоатчилик, айниқса, қишлоқ мулкдорлари томонидан юксак баҳоланмоқда. Ана шу муҳим фармон асосида Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг ташкил этилгани, унга соҳанинг муваффақиятлари-ю ҳаётий муаммоларидан хабардор бўлган фермерларнинг раҳбар этиб сайлангани эса соҳада бошқарув тизимини демократлаштиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланаяпти.

Таҳлилчиларнинг фикрича, бутун Ўзбекистонда 66 минг 134 та фермер хўжалиги бўлиб, улар томонидан жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи етиштириляётгани тилга олинаёпти.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, 1990 йилда Ўзбекистонга аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган галланнинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоиздан кўпроғи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизи, картошканиннг эса 50 фоизи четдан келтирилган бўлса, бутунга келиб Ўзбекистон ана шундай маҳсулотларни экспорт қилувчи давлатга айланган.

— Уттан йилларда соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини йилдан-йилга кўпайтириб, дастурхонларимиз тўқинлигини таъминлашга хизмат қилмоқда, — дейди Сурхондарё вилояти Фермерлар кенгаши раиси, Олтинсой туманидаги «Нуридин» фермер хўжалиги раҳбари Абдураҳмон Нуридинов. — Бу жараёнда, айниқса, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрланиш ва емирилишининг олдини олишга устувор аҳамият қаратиляётганини таъкидлаш жоиз. Бутун фермерларнинг бўлиши ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш тизимидан ҳам самарали фойдаланиб, ер, сув, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа ресурсларни тежамолдорлар. Жорий йилга келиб вилоятдаги 4 минг 951 та фермер хўжалиги ўз иқтисодий салоҳиятини янада оширди.

Ҳақиқатан ҳам, сурхондарёлик фермерларнинг кейинги йиллардаги ютуқлари мамлакатда қишлоқ мулкдорларининг мустақкам оёққа туриб олганликларини кўрсатмоқда.

Фермерлар кенгашининг Бухоро вилоятидаги конференциясида эса кейинги йилларда сув таъминотининг яхшиланиши фер-



мерлар муваффақиятига замин бўляётгани эътироф этилиши.

Бухоро вилояти ҳокими вазифининг бажарувчи, Олий Мажлис Сенати аъзоси Муҳиддин Эсоновнинг фикрича, Президент фармони мамлакатимиздаги минимал фермерлар қатори бухоролик фермерлар томонидан ҳам кўтаринкилик билан қўлиб олинди. М.Эсонов, шунингдек, фармонда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда ўзини-ўзи бошқаришнинг демократик тамойилларига таянган таъсирчан тизимни йўлга қўйишга оид муҳим вазифалар белгилаб берилгани соҳани янада ривожлантириш учун асос бўлишини таъкидлади.

Фермерлар кенгаши раиси, Бухоро туманидаги «Маданият Муҳаммад Исмаилов» фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммад Аҳмедов эса фермерлар фаолиятини қайта кўриб чиқиш, давр талаблари даражасида иш юритишга оид муҳим вазифалар белгилаб берилганини соҳани янада ривожлантириш учун асос бўлишини таъкидлади.

Маълумки, Қашқадарё вилоятида ҳам қишлоқ мулкдорларининг иқтисодий ҳаётини яхшилаш ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш тизимидан ҳам самарали фойдаланиб, ер, сув, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа ресурсларни тежамолдорлар. Жорий йилга келиб вилоятдаги 4 минг 951 та фермер хўжалиги ўз иқтисодий салоҳиятини янада оширди.

— Юртбошимиз Наманган ва Андижон вилоятлари фермерлари билан учрашганларидан қишлоқ мулкдорларининг ўз фаолиятига ўзлари баҳо беришлари, улар учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш, соҳага давлат идораларининг аралашувини чеклаш, деҳқон манфаатини ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг жамият ривожига фаоллигини ошириш лозимлигига эътибор қаратиб, фермерлар фаолиятига ҳолисона баҳо берадиган кенгашлар ташкил этиш лозимлигини таъкидлаш жоиз. Бутунга келиб ана шу фикрлар амалиётга кўчди, — дейди Т.Жўраев.

Ҳақиқатан ҳам, Фермерлар кенгашининг жойлардаги таъсис конференцияларида янги тузилма фаолиятига жуда катта ишонч билдирилмоқда. Зеро, деҳқон ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоқда санотни жadal тараққий этти-

риши, ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, замонавий агротехнологияларни жорий этишини даврнинг ўзи тақозо этаёпти.

— Айти пайтда 63 гектар сувли, 150 гектар лалми ер майдонда пахта ва галла етиштиряймиз, — дейди Қашқадарё туманидаги «Мирзо ўғли Эшмурод» фермер хўжалиги раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Диммурад Мирзаев. — Бу йил 70 гектар ердан 45 тонна лалми, 35 гектар сугорилган майдондан 112 тонна дон олдик. 22 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил кўтардик. 6 сотихли лимонарийдан 5 млн. сўм дармад олдик. Энди эса автобилларни таъмирлаш устахонаси, тикувчилик, сартарошхона, новвойхона, қассобхона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари қураямиз.

Бу рақамлар қашқадарёлик олий бир фермер фаолиятини баҳолаш мумкин бўлган айрим кўрсаткичлар, ҳоло.

Аммо Президентимиз фармонида бундай кўрсаткичлар салмоғини янада ошириш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилганини, бу эса Фермерлар кенгаши билан бирга соҳага мутасалли бўлган бошқа ташкилотлар зиммасидаги масъулиятни ҳам оширишни талаб этади.

Қашқадарё вилоят Фермерлар кенгашининг таъсис Конференциясида қатнашган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев ҳам айнан ана шу масалаларга тўхталиб, иқтисодийта мустақкам ўрин эгаллаган, кучли ижтимоий кучга айланган қишлоқ мулкдорлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун О'zLiDe'Nнинг парламентдаги фракцияси, халқ депутатлари туман (шаҳар), вилоят кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ўз ваколат ва имкониятларидан тўлароқ фойдаланиши, амалдаги қонунчилик базасини янада мустақкамлаш, фермерлар учун яратилган имтиёз ва преференцияларни самарали қўллаш жараёнларида жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришлари лозимлигини таъкидлади.

Чиндан ҳам, мамлакат қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, қишлоқларда кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини кенгайтириш ишлари тобора жadalлашаётган бир пайтда

амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш лозимлиги қайта-қайта тилга олинаётгани бежиз эмас. Бу эса энг аввало, парламентнинг Қонунчилик палатаси, унда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар вакиллари билан жуда катта эътибор талаб этади. Зеро, ҳар қандай соҳа ривожига қўнунлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Агар биз яқин тарихимизга назар ташласак, истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда аграр сиёсатнинг асоси давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўғридан-тўғри бошқариб боришдан воз кечишга қаратилганини кўрамиз. Шунинг учун ҳам ўша даврда Ўзбекистонда мулк ва мулкдорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ерни ўзининг ҳақиқий эгасига топшириш аграр сиёсатнинг энг устувор масаласига айланган.

Айниқса, ислохотлар изчиллиги, тадрижийлиги тамойилларига қатъий амал қилинган қишлоқда мулкдорлар синфининг шаклланиши, охири-оқибатда эса мустақкам оёққа туриб, жамиятимиздаги энг фаол ижтимоий кучга айланишига замин бўлди.

Фермерлик ҳаракати, унинг изчил ривожланиш жараёнлари хусусида сўз борганида Андижонда фермерлик ҳаракатига нисбатан кечроқ киришилган бўлса-да, кейинги йилларда бу соҳа жadal ривожланганини, бошқача айтганда Андижонда ўзига хос мактаб яратилганини таъкидлаш ўринлидир.

Фарғона вилоятида ҳам ана шундай ибодий ўзгаришлар юз бераётди. Хусусан, 2012 йилнинг 9 ойида 2011 йилнинг шу даврига нисбатан фермер хўжаликлари қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар ҳажми 213,6 фоизга ошган. Мутахассисларнинг таъминича, вилоятда 2012 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6 трлн. 480,4 млрд. сўмга етади. Бунда ҳам қишлоқ мулкдорларининг ўзига хос улуши борлиги алоҳида қайд этилмоқда.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, фермерликни бутунлай янги босқичга олиб чиқиш, улар учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш талаб этилмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ана шу жараёнда дастуриламал вазифини ўтайдиган ниҳоятда муҳим ҳужжат сифатида баҳоланмоқда.



XALQ BANKI

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
жамоаси

барча юртдошларимиз ва ўз мижозларини

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 20 ЙИЛЛИГИ**

билан самимий муборакбод этади
ҳамда энг эзгу тилаklarини билдиради.

**Диёримизда доимо тинчлик ва осойишталик,
оилаларимизда кут-барака
ва шоду хуррамлик бўлсин!**



ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДАГИ
«ОЙБЕК» ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ**

барча
ватандошларимизни
Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганнинг
20 йиллиги
билан самимий
муборакбод этади

МОЛИЯ

Реклама ўрнида

Келажак манфаатлари йўлида

ЮРТИМИЗДА МИЖОЗЛАРГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИБ, УЛАР ИШОНЧИНИ ҚОЗОНАЁТГАН МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ ОРАСИДА «ҲАМКОРБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ҲАМ АЛОҲИДА ЎРНИ БЎЛИБ, МАЗКУР МУАССАСА БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ ИЛГОР ТАЖРИБАЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЯНГИДАН-ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙМОҚДА

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. 2011 йилнинг айна даврида банк томонидан хусусий мулкдорларга 216 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу кўрсаткич 290 млрд. сўмни ташкил этди. Энг муҳими, берилган кредитларнинг асосий



8 ДЕКАБРЬ — БОШ ҚОМУСИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

36-МОДАСАСИ

қисми, яъни 32 фоизи микрокредитлар ҳисобига тўғри келмоқда. Қолаверса, барча манбалар ҳисобидан тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кичик бизнес субъектларига 93 млрд. сўм миқдорда банк микрокредитлари ажратилганини алоҳида эътироф этиш ўринлидир.

Бу эса тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Энг муҳими, ажратилган маблағларнинг асосий қисми янги технологиялар харид қилиш, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш учун йўналтирилади. Банкнинг молиявий ёрдами натижасида жорий йилнинг ўн ойи давомида ҳудудларда 3,8 миңдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

— Бугунги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит-

лар муҳайё, — дейди «Ҳамкорбанк»нинг микро ва кичик бизнесни кредитлаш бошқармаси бошлиғи Абдурашид Ортиқов. — Биз ҳам олдимизга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, миқозлар ишончини қозонишга интиляймиз.

Президентимизнинг жорий йил июль ойида қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари бу борада асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Чиндан ҳам шундай. Самарқанд вилоятидаги «Афросиёб Пакнинг Сервис» хусусий корхонаси «Ҳамкорбанк»нинг истиқболи порлоқ миқозларидан саналади.

Банкдан олинган 500 миллион сўм эвазига бу ерда ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Излаган имкон топади, деган нақд бежизга айтилмаган. Айни кунда корхона жамоаси маҳсулот сифати ва ҳажмини ошириб, рақобат бозоридан муносиб ўрин эгаллашга интиломоқда.

Аҳоли, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ихтиёр этган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир. Жорий йилнинг ўзида банк томонидан коллеж битирувчиларидан 119 нафарига ўз бизнесини йўлга қўйиш учун 1 млн. 779 миң сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу эса юртимизда яна шунча ёш тадбиркор иш бошлади деганидир.

— Қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланиш учун банкдан

беш миллион сўмлик имтиёзли кредит олдим, — дейди фарғоналик яқка тартибдаги тадбиркор, Марғилон иқтисодий коллежи битирувчиси Турсуной Мамарасулова. — Ушбу маблағ ҳисобидан хом ашё сотиб олиб, ширинликлар турини кўпайтирдик. Ҳозир шахримиз аҳолига сифатли ва мазали қандолат маҳсулотлари тақлиф этаямиз.

«Мустақкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, айниса, жойларда оилавий бизнесни йўлга қўйиш, катта ҳаёт остонасига қадам қўйган ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан ёш оилалар учун 2 млрд. 13 млн. сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилди. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Ҳамкорбанк» очик акциядорлик-тижорат банки мамлакатимиз иқтисодий равнақи ва келажак манфаатлари йўлида хизмат қилаётган барқарор молия институтларидан биридир. Шу боис ҳам миқозлар сафи тўбора кенгайиб, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш йўлида ладил қадамлар ташланапти.

Кичик бизнес

«РОУТЕКС»нинг дадил одимлари

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖБОП МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

Бу борада кичик корхоналарнинг ҳиссасини алоҳида таъкиллаш ўринлидир. «РОУТЕКС» МЧЖ ҳам жорий йил бошидан бери ўз сифатли маҳсулотлари билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Паст рентабелли ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш ҳамда кенгайтириш бўйича вилоят молиявий соғломлаштириш дастурига киритилган ушбу МЧЖ аслида фаолият юритмаётган «Мунайт пайпоқ» қўшма корхонаси ўрнида ташкил этилган эди. Ишни оқилона ташкил этиш туфайли эндиликда бу ерда юқори натижаларга эришилмоқда.

— Ўтган давр мобайнида корхона бинолари мукамал таъмирланиб, Жанубий Кореядан 280 миң АҚШ доллари қийматидаги 40 та компьютерлаштирилган ускуналар келтириб

ўрнатилди, — дейди «РОУТЕКС» МЧЖ раҳбари Баҳодир Аҳмедов. — Мана, бир ойдан ошдики, ускуналар қувватининг 30 фоиздан фойдаланилмоқда. Агар улар тўлиқ қувват билан ишга туширилса, бир кеча-кундузда юз миң жуфт пайпоқ тайёрлаш имконияти туғилади. Замонавий ускуналарнинг яна бир афзаллиги шундаки, исталган нусхада ва кўринишда пайпоқ ишлаб чиқариш мумкин. Бунинг учун замонавий компьютер ускуналари жуда қўл келади. Энг муҳими, хом ашё харид қилиш учун қўшни вилоятларга бориш шарт эмас, Самарқанднинг ўзида бир эмас, уч-тўртта ип-калага тайёрловчи корхоналар ишлаб турибди. Қолаверса, ип-калагага бўёқ бериш ҳам корхонанинг ўзида йўлга қўйилганлиги мушкуллимизни осон қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Айни пайтда барча ёшдагилар учун саккиз тур-

даги пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар ички бозорда харидортир. Яқинда «Самарқанд Ипак йўли» МЧЖ савдо мажмуаси билан шартнома имзоланиб, маҳсулотларнинг улгуржи ва чакана савдоси учун алоҳида дўкон ажратилди. Ҳозир ҳамкорлик ҳар икки томонга манфаат келтирмоқда. Энг муҳими, корхона маҳсулотларини хоризжа ҳам экспорт қилиш кўзда тутилади. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Ҳозир жамоада 60 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилишапти. Ҳадемай улар сони янада кўпайиши аниқ. Чунки пайпоқ тикиш ва тайёрлашда касаначилар кўмагидан кенгроқ фойдаланиш режалаштирилади.

Таъкидлаш жоизки, «РОУТЕКС» МЧЖ 2010 йилдан 2013 йил январигача барча турдаги солиқ тўловларидан тўлиқ озод этилган. Бу эса унинг иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этаяпти.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УОШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИХА ҲОЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа ҳоаялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.

Танлов қўйилади йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестицион жозибдорликка ва саноат соҳасида таъбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда юрдиқ унуьмдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ҳоаялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ҳоаяларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қўйиладиган ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Ариза (намуна бўйича);
- Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича);
- Батафсил маълумот учун:
- Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
- Web-site: www.fpd.uz;
- E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Ташкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўжал: «Истиқдол» сўғат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқаришни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун БУЮРТМАНОМА

1. _____ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)

2. _____ (тақдим этилаётган ҳоаявий лойиҳанинг тўлиқ номи)

3. _____ (Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қўйиладиган ҳужжатлар илова қилинади:

- Инвестиция таклифи;
- Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускорни тўғрисидаги умумий маълумотлар: номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури; асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизда лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар: корхонанинг номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар турлари; охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воститаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар); умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари; мавжуд муҳандислик таъминоти воститалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; қарлар потенциалли.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
- 4.1. Маркетинг: ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
- 4.2. Ишлаб чиқариш: лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси; зарур бўладиган ҳодимлар сони.
- 4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш: инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
- 4.4. Молиялаштириш: лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати; объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати; лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар: кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда; экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	миңг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	миңг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	миңг. долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	миңг долл.		
2.2.	Қурилиш-монтаж ишлари учун	миңг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишла банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун			
	ўлчов бирлигига мувофиқ			

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ



**Азиз юртдошлар!
Сизларни мамлакатимиз
ижтимоий-иқтисодий
тараққиётининг ҳуқуқий
асоси бўлган
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ
муносабати билан
чин дилдан муборакбод этамиз.
Фуқароларнинг миллати,
ирқи ва диний эътиқодидан
қатъий назар, тенг ҳуқуқли
эканлигини кафолатлаб,
халқимизнинг фаровон
ҳаёт кечирishi учун
қонуний асос бўлиб
хизмат қилаётган
Бош қомусимиз
йўлларимизни нурафшон айласин.**

**Фарғона нефтни
қайта ишлаш
заводи жамоаси**



СЎНГГИ САҲИФА

Рустам Гран-прини мағлубиятсиз яқунлади

КУНИ-КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САҢЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА ЕВРОПАНИНГ 5 ТА ЙИРИК ШАҲРИ, ШУНИНГДЕК, МАМЛАКАТИМИЗ ПОЙТАХТИ МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИГАН ФИДЕ ГРАН-ПРИСИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИГА ЯҚУН ЯСАЛДИ



Шухрат ХЎЖАЕВ, «XXI ASR»

Этиборлиси, нуфузли турнирнинг иккинчи bosqichi natijalariga kura, bir xil miqdorda, yani 6,5 ochko tuplagan uch nafar grossmeister — Sergey Karjakin, Ванг Хао ва Александр Морозевич турнир jadvalining yuqori pogonalari bant etdi. Suniti turda isroillik Boris Gelfand bilan durang uynagan hamortimiz Rустам Қосимжонов esa пешқадamlardan bor-yuғi яrim ochko ortla qolib ketdi.

Таъкидлаш жоиз, турнир давомида bosqqa raqiblari bilan farqli ularoq бирон марта ҳам мағлубиятта учрамаган sportchimiz (1 та галаба ва 10 та durang) mазкур natijasida bilan musobaqa ishtirokchilari orasida reytingda eng katta kutarilishni qayd etishga erishdi.

11-турнинг bosqqa учрашувлари хақида tuxталар эканмиз, хитойлик Ванг Хаонинг kutilmaganda ozarbojjonlik Шахриёр Мамадиёровни мағлуб этган holda kuchli uchlikka кириб олгани, яккапешқадamlikni kulgа киритиш учун yaxshigina imkoniyatga эга булган rossiyalik Александр Морозевич

Гран-при musobaqalari 6 bosqichdan iborat bulib, mазкур турнирлар хар 2 йилда utkaziladi. Халқаро шахмат федерацияси Гран-прининг биринчи bosqichi sentyabr-oktyabr ойларида Лондонда utkazilgan bulsa, ikkinchisiga Toshkent mezbonlik qildi. Кейинги турнирлар 2013 йили Лиссабон (Португалия), Мадрид (Испания), Берлин (Германия) ва Париж (Франция) шаҳарларида ташкил этилади. Аҳамиятлиси, mазкур musobaqalarda eng yaxshi natijalarni qayd etgan gроссмейстер 2014 йилда жаҳон чемпионлиги учун utkaziladigan беллашууда айни пайтда шахмат «tojigа» эгаллик қилиб турган хиндистонлик Вишванатан Анандга qarshi dona суриш имкониятини kulgа киритади.

Хулоса урнида Халқаро шахмат федерацияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган, икки hafta давомида онлайн тизими орқали ФИДЕга аъзо булган 170 та мамлакатта tугеридан-tугри эфирга uzatilgan Гран-при турнири доирасида жаҳоннинг 12 нафар етакчи gроссмейстерлари иштирокида ўзбекистонлик ёш истеъодлар учун бир қатор маҳорат сабоқлари уюштирилганини айтиб ўтиш даркор.

8 ДЕКАБРЬ — БОШ ҚОМУСИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Хар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-МОДДАСИ

ҳамюрти Пётр Свидлер билан мураса йўлини танлаб, таъқибчилари орасида қолиб кетгани, ўз навбатида, сўнгги турда украиналик Руслан Пономарёв билан беллашган rossiyalik Сергей Карякин 6,5 соатлик

олишувдан кейингина рақибини мот қилиб, турнир jadvalining yuqori қисмига кўтарилганини айтиб ўтиш мумкин.

Эслатиб ўтиш лозим: ФИДЕнинг 2012-2013 тақвимларида киритилган

ТЕРМИЗДА ЯНА БИР НОЁБ САҢЪАТ АСАРИ

Сурхондарё вилоятининг Шимолий Бактрия археологик худудида қидирув ишларини олиб бораётган олимлар ноёб тарихий топилмага дуч келдилар. Маълумотларга кўра, франциялик ва ўзбекистонлик археологлар ташаббуси билан қадимий Термиз ўрнида олиб борилаётган мазкур қазилма ишлари давомида бир пайтлар «Чингиз-2» деб номланган тепалиқда қад ростлаган ибодатхона девори сатҳига бўртма шаклда ишланган хайкалчалар кўринишидаги «безакли гишт»нинг йирик намунаси топилган. Оҳақтошдан ишланган, баландлиги 40 см.ни ташкил этувчи хайкалчаларда қадимги Греция, Хиндистон ва Бактрия аъналарига мувофиқ кийинган бадавлат аёл ва эркак акс эттирилган. Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ахборот хизматидан хабар қилинишича, яқинда Термиз шаҳрининг археологик музейига топширилган ажайиб саънат асари шу тарихи музейнинг энг ноёб илмий-тадқиқот объектларидан бирига айланди.

Сўз — Конституция тенгдошларига



Гулрух МАМУТОВА, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони сохибаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси:

— Мен 1992 йилнинг 13 декабрь куни Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманида туғилганман. Бир ёшга катта опа-акаларим мустақиллик тенгдоши эканлиги билан гурурлансалар, мен Конституциямиз қабул қилинган кунларда дунёга келганимдан фахрланаман. Чунки инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари айнан ана шу ҳужжатда ўз аксини топади. Биз ёшларга қулай ва муносиб шароит яратиб беришни назарда тутадиган қонун ва қарорлар, энг аввало, Конституцияда белгилаб қўйилган тамойиллар негизда ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Демак, Асосий қонуниимизни инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаган ҳужжат, десак янглишмаган бўламиз.

Масалан, мен ўз конституциявий ҳуқуқларимдан фойдаланган holda «Есемурат жирав» номидаги болалар музика мактабида сабоқ олдим. Натияжада Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика болалар музика танловининг аънавий ижрочилик йўналишида биринчи ўринни эгалладим. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан 15-18 ёшли иж-

рочилар ўртасида ўтказилган кўрик-танловда гижжак созандалиги йўналишида голиб чиққанман, «Келажак овози»нинг республика bosqichida муносиб қатнашганим ҳам яратиб берилган шароитлардан унумли фойдаланганим самарасидир.

Айни пайтда тури мавзудаги мақолаларим «Народное слово», «Еркин Қарақалпақстан», «Қонырат хақийқаты» каби газеталарда чоп этилмоқда. Саънат хақидаги чиқишларимни тўплаб «Гижжак сеҳри» номли ихчам китоб ҳам нашр этишга эришдим.

Бундан ташқари, бастакорлик йўналишида ўзимни синаб кўраяпман. Миллий куй-наволарни қорақалпоқ музика асбоби — уч торли гижжакка мослаштириб ноталаштириш устида изланишлар олиб борапман.

Замонавий ёшларнинг бир вакиласи сифатида ахборот ва коммуникация соҳасида жуда қизиқаман. Шунинг учун ўзбек ва қорақалпоқ фольклори намуналарини интернет тармоғига жойлаштириш мақсадида алоҳида сайтларни рўйхатдан ўтказиб, уларнинг контентни, қулайлиги ва дизайни устида иш олиб борапман.



Дилнавоз САЙДОВА, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони сохибаси, Ўзбекистон давлат саънат ва маданият институти талабаси:

— Ватанимиз Конституциясининг 41-моддасида «Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», деб қатъий белгилаб қўйилган. Барча юртдошларимиз қатори мен ҳам ана шу ҳуқуқлардан фойдаланган holda таълим олдим. Шу аснода китобга меҳрим тушиб, адабиётга ошно бўлдим. Тўққиз ёшимдан шеър, ҳикоя ва мақолалар ёза бошладим. Ўн уч ёшимда эса Республика китобсеварлар кўрик-танловида голиб бўлдим. Бугунгача «Зоминсой хиригойиси», «Фаришталарим» номли шеърый тўплам-

ларим нашр этилган. Бундан ташқари, фанлар олимпиадасида инглиз тилидан 2-ўринни эгаллаб, Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлдим.

Бир сўз билан айтганда, Бош қомусимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқлар менга ана шундай имкониятлар берди. Конституциямизнинг 20 йиллик байрами арафасида фан ва таълим соҳасида эришган ютуқларим учун «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланганим қалбимни қувонч ва кўшалок байрам шуқуқига тўлдирди.

Шухрат РАҲИМОВ тайёрлади.

20 yil 8-dekabr

Xalq farovonligi — faoliyatimiz mezon

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni muborak bo'lsin!

«Agrobank» ochiq aksiyadorlik tijorat banki
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko'chasi 43
Tel: 8 (371) 120-88-33, 150-53-95

www.agrobank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

НОВО-ПАССИТ
Табiiй тинчлантирувчи восита

ХАЁТИНГИЗГА ХОТИРЖАМЛИК ОЛИБ КЕЛАДИ!